

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ҲИСОБ СИЁСАТИНИ ТУЗИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Авлокулов А.З.

ТДИУ профессори, и.ф.д., профессор

Зуфарова З.Р.

ТДИУ мустақил изланувчиси, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада ҳисоб сиёсатининг моҳияти ёритилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида ҳисоб сиёсатини халқаро стандартлар талаблари асосида такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: ҳисоб сиёсати, молиявий ҳисоб, молиявий ҳисобот, бошқарув ҳисоби, солиқ ҳисоби

Аннотация. В данной статье рассматривается сущность учетной политики. В результате исследования разработаны рекомендации по совершенствованию учетной политики с учетом требований международных стандартов.

Ключевые слова: учетная политика, финансовый учет, финансовая отчетность, управленческий учет, налоговый учет.

Abstract. This article examines the essence of accounting policy. As a result of the study, recommendations for improving accounting policy were developed taking into account the requirements of international standards.

Key words: accounting policy, financial accounting, financial reporting, management accounting, tax accounting.

Кириш. Глобаллашув жараёнида жаҳон мамлакатларидаги иқтисодий вазият, тўловларни амалга оширмаслик ҳолатлари, қарздор корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлиги, молиявий мустақиллик даражасининг пасайиб бориши туфайли ҳисоб сиёсатининг аҳамияти ошиб бормоқда, бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир қилади. Ҳисоб сиёсати қандай шаклланганлигига қараб, корхонанинг хўжалик фаолияти замонавий даражада ривожланади.

Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисоби қоидаларини белгилаб берадиган энг муҳим ҳужжат ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ишчи счётлар режасини ишлаб чиқиш, бошланғич ҳисобни ташкил этиш, харажатларни ҳисобга олиш ва маҳсулот таннархини ҳисоблаш усулини танлаш, ички ҳисобот шакллари тузиш ва бошқаларни ўзида акс эттиради.

Ҳисоб сиёсатининг роли ўз фаолиятининг энг мақбул йўналишини ташкил этиш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттиришни таъминлашдан иборат. Ҳисоб сиёсатини шакллантириш тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур ҳисобланади, чунки оқилона ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш ва унинг фаолиятида ўз

мақсадларига эришишнинг муҳим воситаларидан бири саналади.

Глобаллашув жараёнида жаҳон мамлакатларидаги иқтисодий вазият, тўловларни амалга оширмаслик ҳолатлари, қарздор корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлиги, молиявий мустақиллик даражасининг пасайиб бориши туфайли ҳисоб сиёсатининг аҳамияти ошиб бормоқда, бу эса хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатига бевосита таъсир қилади. Ҳисоб сиёсати қандай шаклланганлигига қараб, корхонанинг хўжалик фаолияти замонавий даражада ривожланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда ҳисоб сиёсатининг моҳиятини очиб беришга оид кўплаб қарашлар мавжуд.

«Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар» номли 8-сон БҲХСга биноан “ҳисоб сиёсати ташкилот томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлашда ва тақдим этишда қўлланадиган муайян тамойиллар, асослар, умумқабул қилинган шартлар, қоидалар ва амалий ёндашувлардир” [1].

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 77-моддасига мувофиқ, «ҳисоб сиёсатини шакллантиришда солиқ тўловчи томонидан солиқ солиш мақсадларида танланган ҳисоб юритиш усуллари тегишли ҳисоб сиёсати тасдиқланган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан эътиборан қўлланилади» [2].

И.ф.н., доцент Ф.Т.Абдувахидовнинг кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар олиб бориб, ҳисоб сиёсатига қуйидагича таърифни бериб ўтган “ҳисоб сиёсати – хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган усуллардан танлаб олинган ҳамда муқобил усуллар кўзда тутилмаган ёки мутлақо мавжуд бўлмаган ҳолларда эса, профессионал мулоҳазага асосланган ҳолда қонунчиликка зид бўлмаган усулларни ишлаб чиқиш тушунилади” [3].

И.ф.н., доцент Ж.Э.Курбанбаев таъкидлашича, “ҳисоб сиёсати — бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш ва топшириш учун муқобил тамойиллар, шартлар ва қоидаларга асосланиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қабул қилинган мақбул усуллар ва қоидалар мажмуаси тушунилади” [4].

Б.А.Хасанов, К.Т.Нурманов, Р.Б.Хасанова фикрича, “ҳисоб юритиш сиёсати хўжалик субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган бухгалтерия ҳисобининг алтернатив усуллари ва шаклларида корхона танлаб олган ва эълон қилган бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва шакллариининг йиғиндисидир” [5].

И.ф.н., доцент Б.М.Джураев “хўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, юритиш ва молиявий ҳамда бошқа ҳисоботларни тузишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан тасдиқланган муқобил вариантларидан мақбули танланиб, шакллантирилган, ўзаро узвий

алоқадор тамойиллар, талаблар, шакллар, усуллар ва воситалар тизимидан иборат ички тартибга солувчи ҳужжат”, деган хулосага келган [6].

Б.Эллиот ва Ж.Эллиот фикрича, “ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар миқдори корхонанинг фаолият доирасига ва молиявий йил давомида содир бўлган ҳодисаларга боғлиқ бўлади” [7].

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлардан кўриниб турибдики, тадқиқотларда асосан ҳисоб сиёсатининг моҳиятига эътибор қаратилган. Бироқ ҳисоб сиёсати таркибий тузилиши масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

Таҳлил ва натижалар. Ҳисоб сиёсати молиявий, солиқ ва бошқарув ҳисоби жиҳатларини ўз ичига олиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоб мақсадида шакллантирилган ҳисоб сиёсати бухгалтерия қонунчилигига асосланади. Солиқ ҳисоби мақсадлари учун ҳисоб сиёсати солиқ базасини ҳисоблашнинг мумкин бўлган вариантларини танлаш нуктаи назаридан солиқ қонунчилиги томонидан берилган ҳуқуқларни акс эттиради.

Бошқарув ҳисоби соҳасида ҳисоб сиёсати жуда кўп сонли муқобил вариантларни ўзига қамраб олади. Бошқарув ҳисобида маҳсулот таннархини калькуляция қилиш, товар-моддий захираларни баҳолаш усуллари белгилаш марказий ўринни эгаллайди.

«Ҳисоб сиёсати, ҳисоб баҳоларидаги ўзгаришлар ва хатолар» номли 8-сон БҲХСда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда “тахминлар” ва “талаблар” каби тушунчалар кўриб чиқилмайди, ушбу категорияларнинг ўхшаши сифатида операция, ҳодиса ёки шартга нисбатан қўлланиладиган муайян бир МҲХС мавжуд бўлмаганида бухгалтер ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда ўз фикридан фойдаланиши шарт эканлиги белгилаб қўйиши мумкин.

Ҳисоб сиёсатида пул кўринишида баҳоланиши керак бўлган ўзгаришлар ташкилотнинг молиявий ҳолатига, пул оқими ва молиявий натижаларга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, кўриб чиқиладиган иккала стандарт ҳам ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришларнинг оқибатларини акс эттиришнинг иккита вариантини - ретроспектив ва истиқболли вариантни назарда тутди.

1. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш бўйича кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан молиявий ҳисобот халқаро стандартларининг давлат тилидаги расмий наشري тайёрланмоқда, бундан ташқари стандартларни қўллаш бўйича бошқа услубий ҳужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Бироқ бухгалтерия ҳисобида, аввало, ҳисоб сиёсатини пухта ишлаб чиқиш давр талаби ҳисобланади.

2. Ҳисоб сиёсати бўйича меъёрий ҳужжатларнинг мазмунини таҳлил қилишда текширишнинг дастлабки босқичида олинган маълумотлардан фойдаланиш керак. Бизнинг фикримизча, бу босқичда ҳисоб сиёсатининг солиқ жиҳатини таҳлил қилиш билан параллел равишда ҳисоб сиёсатининг услубий жиҳатининг мазмуни очиқ берилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро,

ушбу таҳлил натижаларига кўра, молиявий ва солиқ ҳисоботининг кўрсаткичларини шакллантириш нуқтаи назаридан ҳисоб сиёсатининг асосий жиҳатлари мазмуни ва алоҳида солиқлар бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашнинг қонунийлиги тўғрисида фикр шакллантирилади.

Ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектнинг нафақат ички ҳужжати, балки бухгалтерия ҳисобини норматив-ҳуқуқий тартибга солишнинг барча хусусиятларини ўз ичига олган ҳужжат ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ҳисоб сиёсати хўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибини белгилаб бериш учун мўлжалланган ҳужжатдир.

Солиқ кодексига мувофиқ, солиқларнинг барча турларига тегишли ягона ҳисоб сиёсати ўрнатилмаган, солиқ тўловчиларга эса ҳисоб сиёсатидан фойдаланган ҳолда солиқ ҳисобини юритиш усулларини танлаш имконияти берилган. Таъкидлаш жоизки, ҳисоб сиёсатида солиққа тортиш мақсадларида белгиланган, лекин қонун билан тартибга солинмаган қоидалар солиқ тўловчиларга солиқ рискларини минималлаштиришга ёрдам беради. Шундай қилиб, солиқ рисклари юзага келганда хўжалик юритувчи субъектлар ундан қанчалик ҳимояланганлиги ушбу ҳужжатнинг нечоғлик тўғри ва аниқ тузилганига боғлиқ бўлади.

Хулоса.

1. Самарали ҳисоб сиёсати деганда ички ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалдаги қонунчилик доирасида бухгалтерия тизимининг ишлаши натижасида мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал қилишга ёрдам берадиган, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг ривожланиш стратегиясига мос келадиган ҳисоб юритиш принциплари, қоидалари ва усуллари йиғиндиси тушунилади.

2. Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ишларининг самарали йўлга қўйилишида ҳисоб сиёсатининг ўрни муҳим ҳисобланади. Оқилona ишлаб чиқилган ҳисоб сиёсати активлардан самарали фойдаланиш, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш, мажбуриятлар устидан назоратни ўрнатиш ҳамда молиявий ҳисобот ахборотларининг ишончлилигини таъминлашга хизмат қилади.

3. Ҳисоб сиёсатини тузишда унинг ташкилий, техник ва услубий жиҳатларига чуқур эътибор қаратиш лозим. Шу боисдан ҳисоб сиёсатининг ушбу жиҳатларини шакллантиришда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига синчковлик билан эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. IAS 8 Accounting Policies, Changes in Accounting Estimates and Errors. www.ifrs.org
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. <https://lex.uz/docs/4674902>
3. Абдувахидов Ф.Т. Кичик тадбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш: 08.00.08: и.ф.н... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., 2005. -22 б.

4. Курбанбаев Ж.Э. Корхоналарда ҳисоб сиёсатини шакллантириш, юритиш ва ривожлантириш истикболлари: 08.00.08: и.ф.н... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., 2005. - 22 б

5. Хасанов Б.А., Нурманов К.Т., Хасанова Р.Б. Замонавий бошқарув ҳисоби. –Т.: “LESSON PRESS” МЧЖ нашриёти, 2021. -413 б.

6. Джураев Б.М. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ҳисоб сиёсатини такомиллаштириш: 08.00.08: и.ф.н... дисс. автореферати/ Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. – Т., 2011. -22 б.

7. Barry Elliott, Jamie Elliott. Financial accounting and reporting. Manual. 13th Edition. © Pearson Education Limited. 2009. Page 961.